

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 298-ҳадис

298/483 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّهُ كَانَ يُصَلِّي فِي أَمَانَةِ مِنَ الطَّرِيقِ

وَيَقُولُ: إِنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي تِلْكَ الْأَمْكَنَةِ.

298.483 Мусо ибн Уқба сўзлаб берди:

«Солим ибн Абдуллоҳнинг йўлдаги (маълум) жойларни танлаб намоз ўқиётганини кўрдим. У айтдики, отаси ўша ерларда намоз ўқиган ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ана шу жойларда намоз ўқиганларини кўрган экан.

Ибн Умарнинг ўша жойларда намоз ўқиганини менга Нофеъ ҳам айтиб берган.

Солимдан сўраганимда, унинг сўзи ўша жойларнинг бирортасида Нофеъга номувофиқ келганини билмайман, фақат Равҳо тепалигидағи масжид хусусида икковлари ҳар хил гапиришган».

Манба: hadis.islom.uz

